

КУЗГИ БУҒДОЙЗОРЛАРДА СЕНИКАЦИЯ АГРОТАДБИРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Annotation: Applying ammonium sulphate as a senescence with the rate of 30 to 40 kg ha⁻¹ in the milking and wax maturing phases ensured achieving the 6.52 to 6.50 t ha⁻¹ grain yields of winter wheat with additional yield of 0.18 to 0.16 t ha⁻¹, increased the clarity by 3 to 4 %, gluten by 1.2 to 1.3% in comparison with control which were shown in the article.

Маълумки, барча экинлар қатори ғалла дони ҳосили ва сифати камайишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиб ҳамда янги агротадбирларни қўллаб ғалладан режалаштирилган сифатли ҳосилни етиштириш мумкин.

Бу борада, кузги буғдойда кимёвий препаратлар билан сеникация/десикация қилиш бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган. Сеникация (лот. Senium- қариш) донли ва дуккакли дон экинларининг етилишини тезлаштириш ва уларнинг сифатини ошириш учун қўлланилиб келинган. Сеникантлар ўсимликдаги пластик моддаларнинг вегетатив органларидан генератив органларга ўтишида фотосинтез жараёнини тезлаштиради ва қувватини оширади.

А.А.Созиновнинг [1] илмий изланишлари натижаларига кўра, кузги буғдой дон шаклланиш даврида илдиздан ташқари азот билан озиклантирилганда дон шаффофлиги 15-25 % га, дон таркибидаги клейковина миқдори 2-4 % га ошади.

Қримда ҳаво ҳароратининг табиий бўлишига қарамасдан (булутли, ёмғирли, салқин) қаттиқ буғдойнинг донида оқсил секин шаклланади. Шунинг учун бундай ҳолларнинг олдини олишга ҚДАУ да баргдаги азотларни донга имкон қадар ўтказиш кераклигини ва бунинг учун буғдой экини парваришида бирдан-бир йўл ушбу

экинга янги замонавий агротехник тадбирлардан бири бўлган сеникация қўллашни ишлаб чиққан. Натижада қаттиқ буғдойда мум пишиш фазасида сульфат аммонийга гербицид қўшиб 25 кг/га меъерини ишлаб чиқишган.

Юқорида таҳлил қилинган адабиётлардан маълумки, кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги ва унинг сифатига кўпгина омиллар қатори кимёвий препаратлар ҳам таъсир этади. Кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги ва сифатига сеникантлар таъсирини ўрганиш бугунги кун ғаллачилиги учун янгилик ҳисобланади ва бу борада илмий изланишлар олиб бориш лозим.


Тадқиқотларимизни Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба станциясида олиб борилди. Тажрибани жойлаштириш, суғориш тартиби, ўғит қўллаш тизими, фенологик кузатувлар, агрофизикавий ва агрокимёвий таҳлилларни ЎзПИТИ нинг "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" (Тошкент 2007), ва "Ўза дефолиантларини синаш бўйича услубий кўрсатмалар" (Тошкент 1993, 1994, 2004) асосида олиб борилди.

Тажрибаларда кузги буғдойнинг сут-мум пишиш фазасида сеникант сифатида сульфат аммонийнинг 25-30-40 ва 50 кг/га меъерлари қўлланилиб, уларнинг дон шаффофлиги ва дон таркибидаги клейковина миқдorigа таъсири аниқланди.

Сульфат аммоний билан сеникация ўтказилган тажриба вариантларида кузги буғдойнинг биометрик кўрсаткичларида бироз бир-бирдан фарқ кузатилди. Бинобарин, назорат вариантыда бир бошоқ узунлиги 9,3 см ни, бошоқдаги дон сони 41,4 донани, бир бошоқдаги дон вазни 1,55 г. ни ва шундан келиб чиқиб, 1000 дон дон вазни 42,3 г. ни ва дон ҳосилдорлиги 63,4 ц/га ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар сульфат аммоний билан 25-30 кг/га меъерларида қўлланилган вариантларда мос равишда бир бошоқ узунлиги 9,6-9,5 см ни, бошоқдаги дон сони 39,0-40,4 донани, бир бошоқдаги дон вазни 1,61-1,54 г ни, 1000 дон дон вазни 45,8-46,7 г. ни ва дон ҳосилдорлиги 65,0-65,2 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,6-1,8 ц/га ошганлиги аниқланди.

Сульфат аммоний 40-50 кг/га меъерларда қўллаб сеникация ўтказилган вариантларда кузги буғдой бошоғининг биометрик кўрсаткичлари бошқа вариантларга нисбатан камайиб борганлиги кузатилди. Чунончи, ушбу вариантларда бир бошоқ узунлиги мутаносиб равишда 10,3-9,8 см ни, бошоқдаги дон сони 42,3-41,4 донани, бир бошоқдаги дон вазни 1,70-1,58 г. ни ташкил этиб, шундан келиб чиққан ҳолда 1000 дон дон вазни ўртача 45,9-45,1 г. га ва дон ҳосилдорлиги 65,0-64,5 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,6-1,1 ц/га ошганлиги аниқланди.

Энг юқори натижалар сульфат аммоний 30-40 кг/га меъерда қўлланилган вариантларда кузатилиб, кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги мос равишда 65,2-65,0 ц/га ни ташкил этди ва бу назоратга нисбатан 1,8-1,6 ц/га ошганлиги аниқланди.



1-расм. Кузги буғдойни сульфат аммоний минерал ўғити қўлланилганда доннинг клейковина миқдори ва шаффофлигининг ўзгариши


Сеникация таъсирида кузги буғдой биометрик кўрсаткичлари ва дон ҳосилдорлиги орасида математик корреляцион боғлиқлик Доспехов (1985) услуби бўйича ҳисобланди. Дисперсион таҳлил натижалари ушбу кўрсаткичлар орасида ўзаро ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги билан ифодаланди. Жумладан, иккала кўрсаткич орасидаги корреляция коэффициенти $r=0,993$ га тенг бўлиб, юқори даражадан ижобий боғланиш мавжудлигини кўрсатди (1-расм).

Бундан ташқари, кузги буғдой донининг сифатига сеникация ўтказилганда озика элементлари билан таъминланиш даражасига ҳам аниқланганда, айниқса доннинг шаклланиш даври, яъни сут-мум пишиш фазасида илдиздан ташқари озиклантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра, сеникация ўтказилмаган назорат вариантыда кузги буғдой донининг ИДК бирлиги 100 ни, клейковина миқдори эса 33,1% ни ташкил этиб, дон шаффофлиги 45% га тенг бўлганлиги аниқланди. Сульфат аммоний минерал ўғити

кузги буғдойнинг сут-мум пишиш фазасида сеникант сифатида гектарига 25 кг меъёрада қўлланилган вариантда дон ИДК бирлиги 95 ни, клейковина миқдори 34,4 % ни ва доннинг шаффофлиги 48 % ни ташкил этган бўлса, сульфат аммоний сеникант сифатида 30-40 кг/га меъёрларида қўлланилган вариантларда ИДК бирлиги 95-90 га, клейковина миқдори 34,2-34,2 % га ва доннинг шаффофлиги мос равишда 47-49 % га тенг бўлганлиги аниқланди.

Сульфат аммоний минерал ўғитини гектарига 50 кг меъёрида сеникант сифатида қўлланилган вариантда доннинг шаффофлик даражаси энг юқори бўлиб, бу кўрсаткич мос равишда 49 % ни ташкил этиши аниқланди. Доннинг ИДК бирлиги 90 ни ва дон таркибидаги клейковина миқдори эса 33 % га тенг бўлганлиги ва назорат вариантыга яқин бўлганлиги маълум бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, изланишларда айниқса сульфат аммоний 25-30 кг/га меъёрларда қўлланилиб, сеникация ўтказилган вариантларда минерал ўғит доннинг кимёвий



1-расм. Сульфат аммоний минерал ўғити қўлланилганда кузги буғдойни биометрик кўрсаткичлари ва дон ҳосилдорлиги ўртасида корреляцион боғлиқлиги.

таркибига сингиб, оқсил ҳамда модда алмашинуви жараёнини фаоллаштириши эвазига дон таркибидаги клейковинанинг ошиши баробарида унинг шаффофлиги ҳам ошганлиги, ёки сеникантнинг бошқа вариантларида аксинча бўлиб, келейковина миқдори пасайганда шаффофлик ҳам тушгани аниқланди (2-расм).

Демак, тадқиқотлардан олинган натижалар кузги буғдой донининг сут-мум пишиш фазасига кирган маҳалда сульфат аммоний минерал ўғити билан гектарига 30-40 кг меъёрада қўлланилганда, дон ҳосилдорлиги 65,2-65,0 ц/га га, қўшимча ҳосил 1,2-1,3 ц/га дон ҳосилдорлиги ошганлиги ва доннинг кимёвий таркиби, шаффофлиги 3-4 % га ва клейковина миқдори 1,2-1,3 % га ошганлиги аниқланди.

Ф.Тешаев, Т. Бойқобиллов
Пахта селекцияси,
уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий
тадқиқот институти

Адабиётлар рўйхати:

1. **Созинов А.А.. Проблемы улучшения качества зерна. 50 лет ВАСХНИЛ, М., Колос, 1979, -с. 207-225**
2. **Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ.-Тошкент, 2007.-147 б.**
3. **Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар.-Тошкент: Давлат кимё комиссияси, 2004**